

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**653 Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган қадокларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида**

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган қадокларнинг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган қадокларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент иловага* мувофиқ тасдиқлансин ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентлар амалга киритилгач, уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўлланилишда ихтиёрийлик касб этиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги:

ваколатли органлар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Умумий техник регламент белгиланган тартибда амалга киритилган кундан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган қадокларнинг хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларни белгиловчи стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрийликни таъминлаш чораларини кўрсин.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари тасдиқланган Умумий техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси У.У. Розукулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 июль,
476-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.